
“Хунармандлар маркази” фойдаланишга топширилди

Риштон туманида янги барпо этилган “Хунармандлар маркази” фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкилланган тантанали тадбирда Республика Савдо-саноат палатаси раиси А. Икромов, “Хунарманд” уюшмаси раиси У. Абдуллаев, вилоят ҳокими Х. Бозаров, туман ҳокими С. Солиев, туман ҳокими ўринбосарлари, кекса-нуронийлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Тадбирда сўз олганлар, Юртимизда халқнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий хунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чора тадбирларни амалга ошириш, шу асосда аҳоли, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини урғулаб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлаётганини таъкидладилар. Аҳамиятлиси, ушбу марказда яратилган янги иш ўринлари яратилиб, натижада 300 га яқин хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Меҳмонлар “Хунармандлар маркази”да яратилган шарт-шароитлар ва бунда иш бошлаган хотин-қизларнинг меҳнат жараёнларини кўздан кечирдилар. Мазкур марказ давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллигида риштонликлар учун муносиб тухфа бўлди.

2021-09-12 07:54:33